



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 22 июль, № 143 (5310)

Жума



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз Жиззах ва Жиззахликлар ҳақида "Жиззах аҳли бағрикенг, қалби қайноқ, гурурли ва адолатли халқдир. Унинг меҳнатсеварлиги, шижоати ва ғайратини яхши биламиз. Катта бунёдкорлик ишларини амалга оширишга ишонимиз", деган эди. Утган йиллар давомида Жиззахликлар давлатимиз раҳбарининг бу сўзларига жавобан барча жабҳаларда ривожланишнинг ойдин йўлига чиқиб олдилар. Буни, хусусан, вилоят маркази Жиззах шаҳрида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.



ФИДОЙИ МЕҲНАТ САОДАТИ

Асрга татигулик йиллар

Тўлиқ ой ёғдусида тўлганиб ётган илоники йўл бизни Етимтоғ чўққисига олиб чиқди. Шу ердан туриб, пастга — гўзал ва фусункор шаҳарга хайрат билан назар ташлаймиз. — Бу — бизнинг Жиззах! — дейди Хидир ака фазр билан. Бу табиий. Ўзинг туғилиб ўсиб, воға етган, ривожига, юксалишига ҳисса қўшган жонахон шахринг жамолни, камолни кўриш, гўзаллигини хис этиш ҳар қандай одамнинг ҳам

кўксини кўтариб юборади, дилига сурур бағишлайди. — Мустақиллик — улғун неъмат, — дейди Хидир ака Шукуров. — У берган куч-қудратни, имкониятни ва эзуликлари ҳеч бир нарса билан қийслаб бўлмайди. Узоққа бормайлик, Жиззах мустақилликка туман марказини эслатадиган кўримсиз бир жой эди. Бир томони бийдай дашт, бир томони қишин-ёзин қамишу қуроқ босиб ётадиган

ачима қўллар... Бугунги сўрасангиз: *Қамишдан гулим, Бақадан булбулим,* деган халқ кўшиғи асли шу ерларда тўқилгандек эди, гўё. Бугунги кунга келиб, шаҳар бунунлай ўзгача қиёфа касб этди. Мамлакатимизнинг обод ва кўркам, ўз индустрияси ва замонавий коммуникацияси ага, дунё шаҳарсозлиги аъёнларини ўзида мужассам этган, меъморий ечими бутунлай ўзгача хос, мафтункор шахрига айланди...

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Кредитга — илғор технологиялар

САМАРҚАНД. Катта-кўрғонлик тадбиркор Санобар Воҳидова бундан икки йил олдин қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган "Шамсиддин-Биҳоним" хусусий корхонасини ташкил этган эди. Яқинда корхонага банк томонидан ажратилган 118 минг АҚШ долларлик кредит эвазига хорijdан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Натijaда бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ошариш барибаради, маҳсулот тури ҳам кўпайди.

Хозир 25 киши меҳнат қилаётган "Шамсиддин-Биҳоним" корхонасида кунига 20 миллион сўмлик қандолатчилик маҳсулотлари ва қулоттирилган сут тайёрланади, савдо шохобчаларига етказилмоқда.

М. ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Лойиҳа барака келтирди

СУРХОНДАРЁ. Термиз шаҳридаги "Анвар Шохруҳ Барака" корхонасида нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди.

Кўймати 90 миллион сўмлик ушбу лойиҳа туфайли ойига 20 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланмоқда. Мухими, бу ерда 10 киши доимий иш билан таъминланган.

Вилоят тадбиркорликнинг ривожланиши эвазига шу йилнинг ўтган уч ойи мобайнида кичик бизнеснинг янги худудий маҳсулотдаги улуши 52,1 фоизни ташкил қилди.

Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Буюртма — харидор ишончи

НАВОЙИЙ. Навбахор туманида эшик ва дераза ортирлаш тайёрлашга ихтисослаштирилган "Умидда Жаббор орузси" хусусий корхонаси ўз фаолиятини муваффақиятли бошлади.

120 миллион сўмлик маблаг эвазига корхонага хорijdан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Эйтиборлиси, "Умидда Жаббор орузси"нинг 12 кишилик жамоаси 38 миллион сўмлик дастлабки буюртмани уддалади.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янги ахборот-ресурс маркази

журналистларнинг экологик билим ва тажрибасини оширишга хизмат қилади

Мазкур марказ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда "Chinog ENK" экологик ноширлик компанияси ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси мавзусидаги илғор таълим ва тажрибасини ошириш" лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Такдиримот

Таъкидлан-дики, даврининг профессионал маҳоратини ошириш, зарур ахборотларни тўплаш, уларни таҳлил этиш ва мавзунини атрофлича ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашнинг ташкил этиш тўғрисида"ги қароридан белгиланганидек, у замонавий ахборот-коммуникация техникалари, зарур ускуна ва жиҳозлар, соҳага доир адабиётлар билан таъминланган. Ташкилотчиларнинг айтишича, бу ерда журналистлар учун соҳа мутахассислари иштирокида семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ташкил этилиши, мамлакатимиз табиатининг ноёб гўшалари, шунингдек, экологик оғир ҳудудларида амалга оширилаётган кенг қўламли кўламазорлаштириш ишлари билан яқиндан таништириш мақсадида экомедиатурлар уюштирилиши кўзда тутилган.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнаомлигида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, мамлакатини модернизация қилиш борасида кенг қўламли ишлар, чуқур ислохотлар рўйбга чиқарилди. Мазкур ислохотлар самараси улроқ, давлат бошқаруви тизими тубдан ўзгарди, парламентнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсири кучайтирилди, сиёсий партияларнинг қарорлар қабул қилишдаги маъқеи ва ўрни мустаҳкамланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди, десак муболага бўлмайди. Унинг мазмун-моҳиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини янада демократлаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, шу орқали қонунлар устуворлигини таъминлаш, фикрлар хилма-хиллигини ривожлантириш муҳимдир.

Модернизация

Бугун республикамизнинг қайси бир бозорига борманг, пештахталарда деҳқон ва соҳибкорларнинг қадок қўли, ақлу заковати билан етиштирилган қишлоқ ҳужалиги маҳсулотлари сероблигидан дилингиз яйрайди.

МИНТАҚАДА ЯГОНА

Бу дала ва боғ неъматлари дастурхонимизга зийнат берибгина қолмасдан, балки кўзимизга нур, белимизга қувват бахш этмоқда. Бунда Навоий шаҳридаги ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Электромим" заводи жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ушбу корхона истиқлол шарофати билан 1994 йилда эски завод негизидан "Ўзбек — Панама қўшма корхонаси" ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган бўлиб, Марказий Осиёда ягона ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ

парламент ислохотларининг мазмун-моҳиятини ташкил қилади

Мазкур ислохотлар самараси улроқ, давлат бошқаруви тизими тубдан ўзгарди, парламентнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсири кучайтирилди, сиёсий партияларнинг қарорлар қабул қилишдаги маъқеи ва ўрни мустаҳкамланди.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Дарҳақиқат, юртимизда сиёсий партияларнинг демократик тамойилларга уйғун тарзда фаолият юритишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Бунинг учун мустаҳкам норматив-ҳуқуқий пойдевор мавжуд бўлиб, у замон билан ҳамнафас тарзда такомиллаштириб боришмоқда. Хусусан, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун борада катта аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ ҳолда ташкил этилиши, мазкур жараёнларнинг янада либераллашувида сиёсий партияларнинг фаол иштирокини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун рўхсат бериш масаласини ҳал этиш борасида зарур бўладиган сайловчилар имзоси миқдори аввалги 50 миңг имзо ўрнига 40 миңг қилиб белгиланди. Шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бошқача айтганда, сиёсий партиялардан кўрсатиладиган

депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши шарт экани хусусидаги норма сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топти. Пировардида 2009 йилги сайловлар жараёнида парламентнинг кўйи палатасига умумий депутатлар сонининг 22 фоизини ташкил этган 33 нафар хотин-қиз депутатини сайлаш имконини берди.

Ўз навбатида, сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотлардаги ўрнини янада мустаҳкамлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан Концепцияда илгари сурилган ташаббуслар, хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддаси ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлифининг амалга оширилиши аниқ мудоаодир.

(Давоми 2-бетда).

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч ОФИЦЕРЛИК — МАРДЛАР КАСБИ

Мамлакатимиз олий ҳарбий билим юрталарига ўқишга кириш учун ўтказилган давлат тест синовлари натижалари эълон қилинди.

Қуролли Кучларимизни интеллектуал салоҳиятга, юксак билим ва тайёргарликка эга, Ватанга садоқатли офицер кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 19 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида Ҳарбий

таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши бу борада муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатга асосан, олий ҳарбий билим юрталарида офицер кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, мазкур шарафли касб-кўнанишнинг ҳимояси ва тарбияси бўлиб, ватанпарварлик, шижоат ва буюк қўрқинчликни тарбия қилиш мақсадида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида фармойиш берилди. Бундан ташқари, барча вилоятлар марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳар бир туманда энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича мустаҳкам тизим вужудга келтирилди. Бу каби улкан ўзгаришлар энг

нинг нуфузини юксалтириш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишга интилаётган ёшлар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда.

Офицер бўлиш истагиди курсантлар сафига қўшилган юзлаб йигитлар орасида сирдарёлик Сирожиддин Асадов ҳам бор.

Муддатли ҳарбий хизматдан олий таълим муассасаларига имтиёзли равишда ўқишга кириш ҳуқуқини берадиган тавсиянома билан қайтган бу йигит Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига ўқишга кирди.

(Давоми 2-бетда).

Аҳоли саломатлиги — бебаҳо бойлик

Мамлакатимизда 2011 йилнинг биринчи чорагида соғлиқни сақлаш объектиларини қуриш ва реконструкция қилиш учун бюджет маблағларидан 23,4 миллиард сўм ўзлаштирилди.

Юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва тизимни сифат жиҳатидан тубдан янгилаш масаласига энг устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Натijaда истиқлол йилларида бутунлай замонавий ва энг юксак талабларга жавоб берадиган, республика ҳамда вилоятлар шоянлиқ тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасалари тармоғи шакллантирилди. Бундан ташқари, барча вилоятлар марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳар бир туманда энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича мустаҳкам тизим вужудга келтирилди. Бу каби улкан ўзгаришлар энг

катта бойлик — аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, ҳар бир ҳудуднинг ўзида сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконини берди. Республикаимизда соғлиқни сақлаш объектиларини барпо этиш, мавжудларини қайта реконструкция қилиш ва уларни замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминлашда нафақат бюджет маблағлари, балки халқро молия институтлари кредитларидан ҳам унумли фойдаланилаётгани эътиборга лойиқ. Жорий йилнинг биринчи чорагида тиббиёт муассасаларини юқори технологияли диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш бўйича учта инвестициявий лойиҳа муваффақиятли амалга оширилгани бунинг яққол тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).



Мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлашда, давлат ва жамият ривожига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзига хос ўринга эга. Шу боис ҳукуматимиз томонидан мазкур соҳага катта эътибор қаратилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.
«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури бу борада муҳим аҳамият касб этаётир. Ушбу дастурнинг талабларини бажаришга «Ипотека-банк» жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

«Ипотека-банк»:

ТАДБИРКОРЛАР ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Бугунги кунда унинг 37 та филиали ва 128 та минибанки орқали 69 мингдан ортиқ юридик шахсга турли банк хизматлари кўрсатилаётгани, жумладан, 2011 йилнинг 6 ойи давомида улардан 2670 тасига 167,7 млрд. сўмлик кредит йўналтирилгани, мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 2,1 баробар кўпчилиги ана шундан далолат беради.

тадбиркор аёллар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. «Ипотека-банк» томонидан ҳам 2011 йилнинг 6 ойи мобайнида 708 нафар тадбиркор аёлга жами 16,2 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бунинг эвазига 536 та иш ўрни яратилди. «Ипотека-банк», шунингдек, Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги

нинг жамиятда ўз ўрнини топишига, мамлакат иқтисодиётининг ривожига беvosита ва билvosита ҳисса қўшишига кенг имкониятлар вужудга келтирилди. Айни чоғда 6 ой ичида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 1 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар берилгани ҳам бугун ўз самарасини кўрсатмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни режалаштирган касб-хунар коллежлари битирувчиларига банк томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича янги хизмат турлари жорий этилгани, айниқса, айни муддао бўлди. 2011 йилнинг 6 ойи давомида 610,0 млн. сўмлик микрокредитлар берилгани туяли улар тадбиркорликни йўлга қўйиб олдилар.


Бундан ташқари, «Ипотека-банк» томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 25,5 млрд. сўмлик кредит маблағлари берилган бўлса, «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича эса 45,5 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Жумладан, «EKOPLAST SYSTEMS» қўшма корхонасига шприц маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича фаолиятини кенгайтириш мақсадида замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 4,1 млрд. сўм миқдорда, «Макровит» хусусий фирмасига гўшт ва сутни қайта ишлайдиган ускуналар сотиб олиш мақсадида 450,0 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида

ни эса каттаю кичикда қизиқиш уйғотмоқда. Уларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан юзлаб тадбиркорлар иштирок этгани бунга мисол бўла олади. Натижада «Энг яхши ишлаб чиқариш лойиҳаси» номинацияси бўйича Андижон туманидаги «Салом ҳамкор текс» хусусий корхонаси,




2011 йилнинг 6 ойи давомида кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг тармоқлар бўйича тақсимоти



Эътиборли жиҳати, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари банк томонидан ажратилган ана шу сармоядан оқилона фойдаланиб, ўз фаолиятларини янада кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш борабара, 4145 та иш ўрни яратишга эришилди.

«Ўзбекистон Республикасида 2006 — 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлан-

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳисобидан яратилган иш ўринлари динамикаси



Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида «Ипотека-банк» жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 36,2 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратгани ҳам диққатга сазовор. Негаки, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баробар зиёддир.

тиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари талабларини бажариш борасида ҳам муайян иш-



Ҳозирги шароитда, биласиз, юқори технология ва инновацияларга асосланган лойиҳаларни рўйбга чиқармасдан туриб, бирор соҳани ривожлантириш қийин. Шу мақсадда жорий йилда микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжалиқларига молиявий кўмак кўрсатиш учун банкнинг имтиёзли кредит бериш мақсус жамғармаси маблағлари 6,5 млрд. сўмга оширилди. Ўтган 6 ой давомида эса уларга мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан 1400,0 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Хусусан, «Хўжа овул» фермер хўжалиғига чорвачиликни ривожлантириш учун 99,5 млн. сўм миқдорда, «Курама Восток» хусусий корхонасига мақсус кийим ва химоя воситалари ишлаб чиқариш бўйича фаолиятини кенгайтириш учун 99,0 млн. сўм миқдорда сармоа берилди.

Бугунги кунда, маълумки, мамлакатимизда иқтисодиётимиз рағбатли йўлида жонбозлик кўрсатаётган ларни олиб бормоқда. Жумладан, шу йилнинг ўтган даврида банк томонидан сервис соҳасини ривожлантириш учун 28,1 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида эса 201 ёш оилага 2,2 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди. Натижада мустакил ҳаётга қадам ташлаётган оилалар-

банк томонидан «Энг яхши ишлаб чиқариш лойиҳаси», «Энг яхши хизмат кўрсатиш лойиҳаси», «Энг яхши тадбиркор аёл лойиҳаси», «Энг яхши ёш тадбиркор лойиҳаси» номинациялари бўйича танловлар ўтказилаётга-

ажратиш юзасидан тавсияномалар тақдим этилди. Танловнинг 4-босқичи (яқуний босқич)да эса 3-босқич ғолиблари ташкилотчилар томонидан республика «Езиғи оромгоҳи»га жалб қилинади.

Мухтасар айтганда, «Ипотека-банк» жамоаси Юртбошимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустақкам таянчи бўлиши шарт» деган кўрсатмаларига қатъий амал қилиб, бундай субъектларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида барча зарур чораларни кўрган ҳолда, изчил фаолият юритмоқда.

И. ҲОТАМОВ

HP kinyo qiladi Windows® 7 Professional.

BIZNESNING xavfsizligi

HP ProBook 4520s – to'siqlansiz hayot, HP CarePack Services kengaytirilgan kafolati.

- 1 Intel® Core™ i5-480M Processor
- Windows® 7 Pro
- 6GB RAM (DDR3 SDRAM) 3 ta slot 8 GB gacha kengaytirish imkoniyati mavjud
- Kengaytirilgan kafolat va xizmatlar
- HP xizmatlar bilan o'zaro ishlash

2011 Preferred Partner

ITAM Informatika 241-00-00

Mahsulot sertifikatlangan.

ЗАВОДЪ ТЕМЪ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:

АВТОКРАНЫ

Для производства монтажных и ремонтно-эксплуатационных работ с объектами группы на распределительных объектах

КБ-4037 (модель с гидравлическим приводом)

- максимальная грузоподъемность — 37 т
- максимальная длина стрелы — 14 м
- максимальная высота подъема груза — 24 м в нормальном режиме

КБ-4038-1 (модель с гидравлическим приводом)

- максимальная грузоподъемность — 37 т
- максимальная длина стрелы — 14 м в нормальном режиме
- максимальная высота подъема груза — 24 м в нормальном режиме

КБ-4038-2 (модель с гидравлическим приводом)

- максимальная грузоподъемность — 37 т
- максимальная длина стрелы — 14 м в нормальном режиме
- максимальная высота подъема груза — 24 м в нормальном режиме

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

Предназначен для строительства-монтажных работ при возведении мачты и гирдевого оборудования (опорной) и строительстве многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъемность — 6 т
- максимальная длина стрелы — 30 м (в разобранном)
- максимальная высота подъема груза — 91,5 м (в собранном) — 17 м

КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОПОЛИВЩИКИ

НА ШАССИ: ISUZU, KAMAZ, MAZ и др.

МОДЕЛЬ	МАКСИМАЛЬНАЯ ДЛИНА СТРЕЛЫ	ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ
KRANTAS - 305	15 м	3,5 т
KRANTAS - 330	21,5 м	6 т

АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВОЗАПРАВЩИКИ

Объемом 6м³ и 12м³ на шасси MAN, KAMAZ, MAZ.

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-68. E-mail: temex@temex.uz www.temex-krant.uz

